# КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ КУРАШИШ БОРАСИДАГИ АСОСИЙ ТУШУНЧАЛАР, УНГА ҚАРШИ КУРАШИШ ТАРИХИ ВА АСОСИЙ ЁНДАШУВЛАР



**Кириш**

**1. Коррупцияга оид асосий иборалар**

**2. Коррупцияга қарши курашиш тарихи**

**3. Коррупцияни белгиловчи омиллар ва унинг келиб чиқиш сабаблари**

**Хулоса**

# 1. Коррупцияга оид асосий иборалар

**“Коррупция” атамаси “бузиш, тизимни издан чиқариш, пора эвазига оғдириш” деган маънони англатадиган лотинча “corruptio” сўзидан келиб чиққан**

**Коррупция — шахснинг ўз мансаб ёки хизмат мавқеидан шахсий манфаатларини ёхуд ўзга шахсларнинг манфаатларини кўзлаб моддий ёки номоддий наф олиш мақсадида қонунга хилоф равишда фойдаланиши, худди шунингдек бундай нафни қонунга хилоф равишда тақдим этиши тушунилади**

**Коррупцияга оид ҳуқуқбузарлик - коррупция аломатларига эга бўлган, содир этилганлиги учун қонун ҳужжатларида жавобгарлик назарда тутилган қилмиши тушунилади**

**Манфаатлар тўқнашуви — шахсий (бевосита ёки билвосита) манфаатдорлик шахснинг мансаб ёки хизмат мажбуриятларини лозим даражада бажаришига таъсир кўрсатаётган ёхуд таъсир кўрсатиши мумкин бўлган ҳамда шахсий манфаатдорлик билан фуқароларнинг, ташкилотларнинг, жамиятнинг ёки давлатнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари ўртасида қарама-қаршилик юзага келаётган ёки юзага келиши мумкин бўлган вазият.**

Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси, Олий суди, Давлат хавфсизлик хизмати, Ички ишлар вазирлиги, Давлат божхона қўмитаси, Миллий гвардиясининг 2019 йил 30 декабрдаги ҚК-72, 08/УМ-804-19, 42, 101, 01-02/22-70, 34-сон қарори билан тасдиқланган **“Электрон жиноий-ҳуқуқий статистика” ягона ахборот тизимини юритиш тартиби тўғрисидаги низомга асосан**:

1

“Коррупцияга оид жиноятлар тоифасига қуйидагилар кириши:
Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг **$192^{9}$, $192^{10}$, 210, 211, 212, 213, 214-моддаларида** назарда тутилган жиноятлар;

2

ғаразгўйлик ёки бошқа шахсларнинг манфаатларини кўзлаб содир этилган Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг **$192^{11}$, 205, 206, 209, 301-моддаларида** назарда тутилган жиноятлар;

3

мансабдор шахс томонидан мансаб мавқеини суиистеъмол қилиш йўли билан ғаразгўйлик ёки бошқа шахсларнинг манфаатларини кўзлаб содир этилган Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг **167, 168-моддаларида** назарда тутилган жиноятлар белгиланган.

# 2020 йилда республика бўйича содир қилинган коррупцияга оид ҳуқуқбузарликларнинг салмоғи






**Коррупцияга қарши курашиш борасида халқаро андозалар** - коррупция ва уюшган жиноятчиликка қарши курашиш ҳамда унинг олдини олишга қаратилган **кенгқамровли (универсал), минтақавий** ва **махсус халқаро хужжатлар** мужмуидир

**Коррупция ва уюшган жиноятчиликка қарши курашиш борасидаги кенгқамровли (универсал) хужжатлар** тоифасига БМТ, Коррупцияга қарши кураш масалалари бўйича Глобал форум томонидан қабул қилинган хужжатлар киритилади.



**Коррупция ва уюшган жиноятчиликка қарши курашиш борасидаги махсус хужжатлар** тоифасига Коррупцияга қарши кураш тўғрисидаги Америкааро конвенцияси, Африка иттифоқи, Араб давлатлари лигаси, ИҲТТ, ФАТФ доирасида қабул қилинган хужжатлар киритилади.

**Коррупция ва уюшган жиноятчиликка қарши курашиш борасидаги минтақавий хужжатлар** тоифасига Европа Кенгаши, ЕИ, Иқтисодий ҳамкорлик ва тараққиёт ташкилоти (ИҲТТ), ЕХҲТ томонидан қабул қилинган хужжатлар киритилади.

# Коррупция турлари




**Профессор Роберт Клитгаарднинг «Коррупция формуласи»**
**К = Я + Б- Ж**
**Я - яккахокимлик,**

**Б- бошқарув сифати**

**Ж- жавобгарлик**

**2003 йил 31 октябрда** қабул қилинган БМТнинг **Коррупцияга қарши конвенцияси** коррупцияга қарши кураш борасидаги энг асосий халқаро ҳужжат ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси мазкур халқаро ҳужжатга қўшилган: Ўзбекистон Республикаси Олий мажлиси Қонунчилик палатаси томонидан “БМТнинг Коррупцияга қарши конвенциясига **Ўзбекистон Республикасининг қўшилиши тўғрисида”ги Қонуни 2008 йил 24 июнда қабул қилинди ва 2008 йил 27 июнда Ўзбекистон Республикаси Олий мажлиси Сенати томонидан маъқулланди ва 2008 йил 28 августдан эътиборан кучга кирди.**

БМТнинг Коррупцияга қарши конвенцияси муқаддима ҳамда **8 та боб, 71 та моддадан иборат бўлиб, 1-бобда (1-4) умумий қоидалар, 2-бобда (5-14) коррупциянинг олдини олиш чоралари, 3-бобда (15-42) жиноятчилик ва ҳуқуқни муҳофаза қилиш фаолияти, 4-бобда (43-50) халқаро ҳамкорлик, 5-бобда (51-59) активларни қайтариш бўйича чоралар, 6-бобда (60-62) техник ёрдам ва маълумот алмашинуви, 7-бобда (63-64) амалга ошириш механизмлари, 8-бобда (65-71) якуний қоидалар акс этган.**

# Мансабдор шахснинг тафсифи

Юридик аҳамиятга эга ҳаракатларни содир этишга ваколат берилган шахс

Доимий,  вақтинча ёки маҳсус ваколат бўйича тайинланадиган ёки сайланади



Ташкилий бошқарув, маъмурий хўжалик вазифаларини амалга оширади

Ҳокимият вакили вазифаларини бажаради

Давлат органларида, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларида, мул шаклидан қатъий назар, корхоналарда, муассасаларда, ташкилотларда, ҳалқаро ташкилотда ёҳуд чет давлатнинг қонун чиқарувчи, ижро этувчи, маъмурий ёки суд органида фаолият юритади

# Хокимият вакили тавсифи

Давлатнинг бирон-бир хокимият органи номидан иш кўриб, муайян вазифаларни доимий ёки вақтинча амалга оширувчи

Ўз ваколатлари доирасида кўпчилик ёхуд барч фуқаро ёки мансабдор шахслар учун мажбурий бўлган ҳаракатларни содир этиш ёки фармойишлар бериш ҳуқуқига эга бўлган шахс

# Хизматчи ва давлат фуқаролик хизматчиси тавсифи

**Хизматчи — давлат органида, тижорат, нотижорат ташкилотида меҳнат шартномаси ёки фуқаролик-ҳуқуқий шартнома асосида меҳнат фаолиятини амалга оширувчи, мансабдор шахс аломатларига эга бўлмаган шахс»**

**Ўз фаолиятини Давлат фуқаролик хизмати лавозимларининг давлат реестрига киритилган лавозимларда амалга оширувчи Ўзбекистон Республикасининг фуқароси давлат фуқаролик хизматчиси ҳисобланади**

**ҒАРАЗГЎЙЛИК НИЯТЛАРИ** — содир қилинган жиноятдан моддий ёки бошқача мулкий йўсиндаги фойда олиш ёхуд моддий харажатлардан қутилишга интилишда ифодаланган ният.

**КОРРУПЦИЯВИЙ ЖИНОЯТЛАР ОҚИБАТИДА ЕТКАЗИЛГАН ЗАРАР**

**Кўп бўлмаган зарар** базавий ҳисоблаш миқдорининг ўттиз бараваридан юз бараваригача бўлган миқдордаги зарар.

**Кўп миқдор** — базавий ҳисоблаш миқдорининг уч юз бараваридан беш юз бараваригача бўлган миқдор.

**Кўп миқдордаги зарар** — базавий ҳисоблаш миқдорининг уч юз бараваридан беш юз бараваригача бўлган миқдордаги зарар.

**ПОРАХЎРЛИК** — пора олиш, пора бериш ёки бу жиноятларда воситачилик қилиш.

**КОРРУПЦИЯВИЙ ХАВФ-ХАТАРЛАР** – давлат ҳокимияти органлари фаолият олиб бориши, давлат хизматчиларининг фаолияти жараёнида юзага келадиган, коррупцияга оид ҳуқуқбузарликни содир этиш вазиятини яратадиган ҳамда улар натижасида нохуш оқибатлар келтириб чиқарадиган ҳолатлар, омиллар ва ҳаракатлар.

**Комплаенс назорати –** давлат органлари ва хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги халқаро стандартлар, қонун ва бошқа меъёрий ҳуқуқий ҳужжатларга мувофиқ ташкил этувчи, коррупция хавф-хатарлари, манфаатлар тўқнашувини ўз вақтида аниқлаш ва чек қўйиш, қонун бузилиш ва коррупцияга оид ҳуқуқбузарликлар ҳақида хабар беришни ўзида мужассам этган профилактик тизимдир.



**«Коррупцияга қарши бошқарув тизимлари – Фойдаланиш учун талаблар ва тавсиялар» халқаро стандарти ISO 37001:2016** – бу ташкилотда коррупцияга қарши курашнинг самарали тизимини яратишнинг халқаро усулларини ўзида жамлаган, коррупцияга қарши мукаммал бошқарув тизимини йўлга қўйишга хизмат қиладиган халқаро стандартдир.

Стандарт - коррупцияга қарши сиёсатни ишлаб чиқиш;

- коррупцияга қарши тадбирларнинг бажарилишини назорат қилиш учун масъулларни тайинлаш;
- ходимларни ўқитиш;
- коррупция хавфларини баҳолашни ўтказиш;
- молиявий ва тижорат назоратини олиб бориш, ҳисоботлар юритиш ва бошқаларни жорий этишни талаб этади.

**Коррупциявий жиноятларнинг содир этилишига шароит яратувчи омиллар бу иллат устидан ташкилий-бошқарув ва ижтимоий назорат етарли эмаслиги ҳисобланади. Уларга қуйидагилар киради**

Режалаштиришдаги камчиликлар, шартнома талабларини иштирокчилар томонидан бузилиши, хизмат фаолиятини ташкил этишдаги нуқсонлар (мажбуриятларни тақсимлаш, ваколатни белгилаш, иш хажмининг кўплиги ва ҳ.к.);

Кадрларни танлаш ва жой-жойига қўйишдаги камчиликлар (билимсиз ва тажрибаси йўқ ёки ишончсиз шахсларни қариндош уруғчилик, таниш-билишчилик асосида ишга қабул қилиш ва шунга ўхшаш ҳолатлар);

Ҳисоб-китоб ва назоратнинг сустлиги;

Хўжасизлик ва ортиқча сарф-харажатга йўл қўйиб бериш (энергия манбаларидан, моддий ва одам ресурсларидан тежамкорликсиз фойдаланиш), тарбиявий ишлардаги нуқсонлар;

Ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ва назорат органлари фаолиятидаги мансабдор шахслар, хизматчиларнинг фойдаси ва сарф-ҳаражатлари ва улар томонидан хизмат вазифаларини бажариши устидан назоратни йўқлиги, шунингдек, коррупциявий ҳолатларга эътиборсизлик

## Коррупцияга оид ҳуқуқбузарлик ҳақида хабар берган ёки коррупцияга қарши курашишда бошқа тарзда кўмаклашган шахсларни рағбатлантириш масаласи




Вазирлар Маҳкамасининг **“Коррупцияга оид ҳуқуқбузарлик ҳақида хабар берган ёки коррупцияга қарши курашишда бошқа тарзда кўмаклашган шахсларни рағбатлантириш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида” қарори (829-сон, 31.12.2020 й.)** қабул қилинди. Низом **“Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида”ги Қонунга** мувофиқ жамиятда коррупцияга нисбатан муросасиз муносабатни шакллантириш ҳамда коррупцияга қарши курашиш самарадорлигини янада ошириш мақсадида ишлаб чиқилган.

Низомга кўра, коррупцияга оид ҳуқуқбузарлик ҳақида хабар берган шахслар қуйидаги асослардан бири мавжуд бўлганда бир марталик пул мукофоти билан рағбатлантирилади:

☞ ўзларига нисбатан пора талаб қилган шахс ёки ўзларига маълум бўлган коррупцияга оид ҳуқуқбузарлик ҳақида коррупцияга қарши курашувчи органлар (**Бош прокуратура, Давлат хавфсизлик хизмати, Ички ишлар вазирлиги, Бош прокуратура ҳузуридаги Иқтисодий жиноятларга қарши курашиш департаменти**)га берган хабари асосида бундай ҳуқуқбузарлик фош этилса;

☞ коррупцияга оид жиноятни содир этганлиги учун қидирувда бўлган шахс тўғрисида ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга берилган хабар асосида қидирувдаги шахс ушланиши (ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг ходимлари бундан мустасно).




Коррупцияга қарши курашиш борасидаги хорижий давлат тажрибаларидан келиб чиқиб, Низом билан мамлакатимизда қуйидаги тартиб белгиланмоқда: Коррупцияга оид ҳуқуқбузарлик ҳақида хабар берганлик учун **фуқаролар**, нодавлат тижорат ташкилоти, давлат органи ва фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органининг **хизматчисини** рағбатлантириш.

Ушбу тартибга кўра, фуқаролар ва давлат хизматчилари бирор соҳада тайёргарлик кўрилаётган, содир этилаётган ёки содир этилган коррупцияга оид ҳуқуқбузарлик ҳақида тегишли органларга хабар беришлари мумкин. Ўз навбатида, фуқаролар ва давлат хизматчиларининг коррупцияга оид ҳуқуқбузарлик ҳақида хабар берганлиги суднинг айблов ҳукми ёки Жиноят процессуал кодексининг 84-моддаси 1-қисми 1-3-бандлари, 3-қисми ва 5-қисми 1-банди бўйича жиноят ишини тугатиш ҳақидаги қарор (ажрим) кучга кириши ёхуд қидирувни бекор қилиш ҳақида қарор (ажрим) қабул қилиниши асосида рағбатлантириш назарда тутилган.




💰 Шунга кўра, коррупцияга оид ҳуқуқбузарлик ҳақида хабар берган ёки коррупцияга қарши курашишга бошқа тарзда кўмаклашган шахслар тегишлича **БҲМнинг 3 бараваридан 25 бараваригача (669 минг сўмдан 5 млн 575 минг сўмгача) миқдорда бир марталик пул мукофоти билан рағбатлантирилиши мумкин**.

🔰 Агар пора суммаси ёки етказилган зарар ёхуд ўзлаштирилаётган (ўзлаштирилган) мулкнинг қиймати БҲМнинг **юз бараваридан кўп бўлса**, мукофот қуйидаги фоиз ҳисобида ҳисобланади:

➖ **анча миқдор учун – мулк қийматининг 15 фоизи миқдорида;**

➖ **кўп ва жуда кўп миқдор учун – мулк қийматининг 10 фоизи миқдорида.**

➡ Шахс коррупцияга қарши курашишга муносиб ҳисса қўшганлиги учун давлат мукофотига ҳам тавсия этилиши мумкин.

# 2. Коррупцияга қарши курашиш тарихи

**Таниқли ҳанафий олими ва фақиҳи, Зайн ал-обидин Ибн Нужайм ал-Мисрий ал-Ҳанафий (1519-1563) ўзининг мазкур "Пора ва унинг турларИ" рисоласида**



**Пора олиш Қуръон ва суннат ҳамда ижмоъга кўра ҳаром**

Қуръондаги оят, Аллоҳ таолонинг сўзи бор: لا تأكلوا اموالكم بينكم بالباطل – **"Ораларингиздаги молларингизни бекордан бекор еманглар!"**

**Ал-Букоъий "ал-Муносабот" асарида "Ҳокимларга махфий ҳолатда умумий пора билан ишларни ўзингизнинг фойдангиз тарафига буриш учун бера кўрманглар!" дея ифодалаган**

Бельгиянинг Брюгге шахрининг Ратуша судида нидерланд рассоми Герард **Давиднинг «Камбис жазоси» ва «Пораҳур судьянинг териси шилиниши»** диптих расмлари жойлашган. **Диптих1498 й. яратилган.**



Одил судлов тизимида коррупцияни тугатиш юзасидан қадимги форс давлати – Аҳамонийлар салтанатида шафқатсиз жазолар бериш орқали кураш олиб борилган. Хусусан, тарихчи Геродотнинг хабар беришича, шоҳ Кир II нинг ўғли **Камбис II даврида тарафларнинг биридан пора олгани учун Сисамн исмли судьянинг тириклайин териси шилиб, ўтирган курсисига тортиб қўйилган ҳамда унинг ўғли шу вазифага тайинланган**, токи судда иш кўраётган чоғида қайси курсида ўтирганини унутмасин. Ана шундан сўнг қадимги форс судьялари орасида бирорта ҳам порахўрлик ҳолати аниқланмаган.



*Ўз бойлиги билан мағрурланадиган одамлар давлат идораларини коррупцияга тортиш орқали жазодан қутулиб қолиш ёки пул ва бошқа турдаги совғалар эвазига кечирилишлари тўғрисидаги ишонч асосида бемалол жиноятлар содир қилишади... Коррупция – бу даврлар оша ўсиб келаётган илдиз бўлиб, у ҳар хил орзу-ҳаваслар ортидан бирортаям қонунни менсимасликдир.*




ЗАКОНЫ
ХАММУРАПИ


АРТХАШАСТРА

# Ўрта асрлар Европасида коррупцияга арши кураш



INDULGENZA

PLENARIA

Nella Chiesa de' Ss. VITO, MODESTO, e CRESCENZIA, nella Villa di ANDRAZZA, della Parrocchia di Santa Maria di Forno di Sopra.

DIOCESE D' AQUILEJA.

LA SANTITA' di Nostro Signor Papa CLEMENTE XI. concede Indulgenza Plenaria, e remissione di tutti li peccati a qualunque Fedele, che pentito, confessato, e comunicato visitarà la Chiesa de' SS. Vito, Modesto, e Crescenzia, nella Villa di Andrazza, nella Parrocchia di Santa Maria di Forno, Diocese d' Aquileja, nel giorno della loro Festività, sarà li 15. del corrente Mese di Giugno; & ivi divotamente pregarà Sua Divina Maestà per la concordia de' Prencipi Cristiani, estirpazione dell' Eresie; ed esaltazione di Santa Madre Chiesa, Comincia la detta Indulgenza il giorno 14. del corrente all'ora del Vespero, e dura tutto il seguente giorno fino al tramontar del Sole; come appare nel Breve Apostolico spedito sotto l' Anello del Pescatore il giorno 5. Maggio 1704. l'anno quarto del suo Pontificato.

Data in S. Pietro di Roma.

Stampata in Udine, e Ristampata in Vicenza nella Stamperia Vescovile.





## 3. Коррупцияни белгиловчи омиллар ва унинг келиб чиқиш сабаблари

| Антропологик омиллар | Иқтисодий омиллар | Ижтимоий омиллар |
|---|---|---|
| Инсоннинг зиддиятли табиати, эзгулик ва ёвузликнинг доимий кураши, инсоннинг кам куч сарфлаб кўпроқ фойда олишга интилиши ва ш.к. | Тадбиркорлик фаолиятининг юқори даражадаги трансакциявий харажатлари (“қонунга бўйсуниш баҳоси”), бозор хўжалиги доирасидаги рақобат, иқтисодиётнинг турли секторларининг нотекис ривожланиши, ва бошқалар. | Жамиятнинг ижтимоий табақалашуви, “хавф гуруҳлари”нинг мавжудлиги, меҳнат қонунчилигининг бузилиши, муҳожир ишчилар, аёллар ва ўсмирлар меҳнатидан фойдаланишда ижтимоий адолат принципларига риоя этилмаслиги ва ҳ.к. |
| 1 | 2 | 3 |

# Коррупциявий омиллар

| Ҳуқуқий омиллар | Ахлоқий омиллар | Сиёсий омиллар |
|---|---|---|
| тадбиркорликнинг ҳуқуқий асоси номукаммаллиги, бозор хўжалигининг ўзгариб борувчи шарт-шароитлари билан мавжуд қонунчилик базаси ўртасида зиддият мавжудлиги, уй хўжалигининг тартибга солинмаслиги ва ш.к. | қонунчилик ҳамда тадбиркорликнинг ахлоқий асослари ўртасидаги зиддиятлар, давлат ва жамият, давлат ва индивид манфаатлари ўртасидаги зиддиятлар; миллий анъаналарнинг ҳисобга олинмаслиги, диний қоидаларнинг таъсири ва бошқалар. | ҳокимият ва йирик капитал ўртасидаги ўзаро муносабатлар, олигархиянинг шаклланиши, ҳокимият кучи ҳамда иқтисодий фаолиятга таъсир кўрсатишнинг кучга асосланган усуллари ўртасидаги нисбат. |
| 4 | 5 | 6 |

# Коррупция бир нечта турлари мавжуд

| Маиший коррупция | Хусусий сектордаги коррупция | Давлат органлардаги коррупция |
| --- | --- | --- |
| Асосан мансабдор шахслар ва давлат хизматчиларининг кундалик иш фаолиятида фуқаролар билан муносабатларида кенг тарқалган | Хусусий сектор ҳамда ҳокимият вакилларининг тадбиркорлик субъектлари билан муносабатларида учрайди | Давлат бошқарув органлари, сиёсий ҳукмрон доиралар ҳамда одил судлов тизими фаолиятида учрайди |








КОРРУПЦИЯНИНГ
3 сабаби
Беш минг сўм
1. Иқтисодий — давлат хизматчиларининг паст ойлик маоши, уларнинг тадбиркор ва фуқаролар фаолиятига таъсир кўрсатишда юқори ваколати.
2. Институционал — давлат идоралари ишидаги ёпиқлик, ҳисоботлар тизимидаги қўшиб ёзишлар, қонунчилик тизимида шаффофликнинг йўқлиги, давлатнинг кучсиз кадрлар сиёсати.
3. Ижтимоий-маданий — жамиятнинг интизомсизлиги, фуқароларнинг тартибсизлиги ва ахборотга эга эмаслиги, жамоатчилик пассивлиги.

